O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 19 сентябрь, № 186 (4339) Чоршанба




INTERNATIONAL UZBEK COTTON FAIR TASHKENT 2007

Пойтахтимизда учинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси иш бошлади.



# ТОЛА СИФАТИ ЮКСАК БАҲОЛАНМОҚДА

Таъкидлаш жоизки, ярмарканинг дастлабки иш куни қизғин кечди. Айниқса, "Ўзэкспомарказ" мажмуаси нозиктаъб дунё пахта саноатчиларининг диди ва майлига мос безатилгани, шу билан бирга, мамлакатимиз агросаноат комплексига кирувчи кўплаб ташкилот ва муассасалар вакиллари ўз хизмат кўрсатиш йўналишларини иштирокчиларга ҳавола қилаётганликлари ярмарканинг ишчанлигини оширмокда. Мисол учун, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги бирор-бир корхона мутасаддисига ўзингизни қизиқтирган савол билан мурожаат этсангиз, бас, батафсил жавобдан қониқиш ҳосил қиласиз.

Сир эмас, ҳар қандай харидорни биринчи галда, маҳсулот сифати қизиқтиради. Бу борада тадбир ташкилотчилари томонидан хорижлик ҳамкорларнинг хавотирланишларига асло ўрин қолдирилмаган. Гап шундаки, "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг лабораториялари ярим автомат линияда ишлайдиган замонавий "HVI 900 SA" тизимлари билан жиҳозланган. Айнан шундай ўта мукаммал тизим кўпгина пахта етиштирувчи мамлакатларда йўқлиги, шунингдек, Ўзбекистонда қабул қилинган "O'z DST 604: 2001" барча талабларга жавоб беришини ҳисобга олсак, ўзбек толасининг жаҳон бозоридаги харидоргирлиги сабаби ўз-ўзидан аён бўлади-қўяди.

— Бу йилги ярмарка иштирокчилари эътиборига толанинг 1200 та намунаси ҳавола этилмоқда, — дейди "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг етакчи мутахассиси Фотима Тожибоева. — Улар марказимиз томонидан халқаро стандартларга мос тарзда сертификатланган. Айниқса, юқори сифатли "Олий" ва "Яхши" навли толага талаб кучли.

Тадбир ташкилотчиларининг сўзларига қараганда, ярмарка савдо секцияларига жаҳон бозорида ўта харидоргир ҳисобланган ўрта толали, тўртинчи нав пахта толасининг қўйилиши савдога "чўғ" ташламокда.

— 18 сентябрь куни республика Товар-хом ашё биржаси кундузги савдо секцияларига 2007 йил ҳосилидан дастлаб 3000 тонна пахта толаси сотувга қўйилди, — деди 386-брокерлик идораси брокери Зебо Юсуббекова. — Савдода 1-нав, 4-типдаги толанинг бошланғич баҳоси 1364,67, 1-нав, 5-типдагиси 1344,13 АҚШ доллари этиб белгиланган. Агар ушбу ярмаркада жаҳоннинг 250 та етакчи тўқимачилик компанияси вакиллари ва трейдерларининг иштирок этаётганини эътиборга оладиган бўлсак, савдолар давомида ушбу кўрсаткич сезиларли даражада ўсиши ҳақиқатга яқинроқ.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови унинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилиши белгиланганлигини инобатга олиб, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Жорий йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси — 2007 йил 23 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси 2007 йилнинг 21 сентябридан бошланиши эълон қилинсин.
3. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг тартиби, босқичлари ва муддатлари ҳақидаги ахборотни сайловчилар, сиёсий партияларга белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан етказиш таъминлансин.
4. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий сайлов комиссияси Раиси** **М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 18 сентябрь

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**Тошкентда 18 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва бу ҳақда қарор қабул қилинди.

Мажлисда, шунингдек, сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга доир тадбирлар календарь режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Шу куни Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишининг эълон қилиниши муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ 2007 йил 23 декабрь — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилангани ва 2007 йилнинг 21 сентябридан сайлов кампанияси бошланиши тўғрисида қарор қабул қилганини маълум қилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга қатъий амал қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режасини тасдиқлаганини қайд этди. Хусусан, сайлов округлари рўйхатлари сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда 9 октябргача матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов округлари Марказий сайлов комиссияси томони-

(Давоми 2-бетда).

# ИЗЧИЛЛИК ВА ҚАТЪИЯТ

***Таъкидлаш жоизки, мустақиллик давригача республика Ташқи ишлар вазирлиги аппаратида бор-йўғи 10-15 нафар ходим бўлиб, улар номигагина вакиллик вазифаси ҳисобланган ишлар, яъни протокол мажбуриятлари ва турли тадбирлар, асосан чет эллик меҳмонларни қабул қилиш билан шуғулланарди, холос.***

**Ислом КАРИМОВ.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида истиқлол йилларида халқимиз эришган кўплаб муваффақиятлар қаторида ташқи сиёсат масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, «ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш тизимининг парчаланиши натижасида жамиятда ҳуқуқий бўшлиқ вужудга келгани, миллатлар ва динлараро, ҳудудий ва турли гуруҳлар, уруғ-аймоқлар ўртасидаги зиддиятларнинг авж олиб кетиш хавфи, радикал кайфиятларнинг айниқса ёшлар ўртасида кучайиши ғоят жиддий хатарга айланган эди" (И. Каримов). Мамлакат хавфсизлиги масаласи шу қадар кескин бўлиб турган ана шундай қалтис вазиятда мустақил давлатнинг ташқи сиёсатини шакллантириш нечоғли мураккаб иш бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Аслида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини йўқдан бор қилиш керак эди. Қайси мамлакат билан қандай муносабат ўрнатилади, қай даражада сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик қарор топтирилади, долзарб халқаро муаммоларга қандай муносабат билдирилади? Шулар каби кўплаб ўта мураккаб саволларга тезкорлик билан энг мақбул жавобларни топиш зарур эди.

**▼ Муносабат**

Буларнинг барчаси вазифанинг бир қисми эди, холос. Яна бир ғоят муҳим вазифа ҳам бор эдики, бу – бир томондан, мамлакатимизни ўз йўриғига солмоқчи бўлган "хайрихоҳ" ва "раҳнамо"ларнинг "доно маслаҳатлари" ва "тавсиялари"га, иккинчи томондан, кун сайин кескинлашаётган таҳдидларга – экстремизм ва терроризмга жавоб топишни тақозо қиларди.

Демак, пухта ўйлаб, узоқни кўзлаб, миллий манфаатларга зиён етказмасдан, хавфсизлик масалаларини бир зум эътибордан четда қолдирмасдан иш тутиш талаб қилинар эди.

Шу боис, қисқа фурсатда ташқи сиёсат ва ташқи савдо соҳасида иш юритадиган муассасалар – Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар қўмитаси (ҳозир – Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги), Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари томонидан ташқи сиёсатнинг, кенг қамровдаги халқаро муносабатлар тизимига интеграциялашишнинг устувор йўналишлари белгиланиб, кўплаб давлатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди, сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик имкониятлари ўргана бошланди.

(Давоми 2-бетда).

*Кеча «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуасида «Телекоммуникация ва ахборот технологиялари — InfoComExpo Uzbekistan — 2007» саккизинчи ўзбек кўргазмаси ўз ишини бошлади. Унда телекоммуникация ускуналари соҳасида пешқадамлик қилаётган давлатлар — Япония, Хитой, Италия, Венгрия, Россия, Қозоғистон, Туркия ва мамлакатимизнинг етакчи компаниялари қатнашмоқда.*



## *Ахборот технологиялари:*
# АМАЛИЙ АЛОҚАЛАР САМАРАСИ

Мазкур тадбир «ITE Uzbekistan» ва Буюк Британиянинг «I.T.E. E &C Ltd.» халқаро кўргазмалар компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

«InfoComExpo Uzbekistan — 2007» кўргазмаси ахборот технологиялари бўйича нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда ҳам нуфузли анжуманлардан бири саналади. Бу йилги кўргазма натижасида юртимизда фаолият юритувчи йирик ва ўрта бизнес ташкилотлари, хорижий ахборот технологиялари компаниялари ўзаро тажриба алмашиш, амалий алоқаларни янада кенгайтириш имкониятига эга бўлдилар.

Кўргазмада ахборот технологиялари бозоридаги энг сўнгги кашфиётлар ва янгиликлар намойиш этилаяпти.





Кўргазма доирасида «Телевидение ва радиоэшиттиришлар» номли янги экспозиция очилди. «Симли телекоммуникация технологиялари», «Симсиз телекоммуникация технологиялари», «Ахборот технологиялари ва тизимлари», «Телерадиоэшиттиришлар», «Банк тизимлари», «Пластик ва электрон карталар» каби бўлимлар эса кўргазмага ташриф буюрган меҳмонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Эслатиб ўтамиз, «InfoComExpo Uzbekistan — 2007» кўргазмаси илк марта 2000 йилда «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» тармоқлараро кўргазмаси доирасида ташкил этилган эди. Кўргазма 2004 йилга қадар «UzTel» номи билан аталди. Айни пайтда у «InfoComExpo Uzbekistan» номи билан машҳур.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ**
**олган суратлар.**

---

тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил мобайнида малака сертификати олиш тўғрисидаги ариза билан такроран мурожаат қилишга ҳақли эмас»;

10) **26-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисида назарда тутилган асосларга кўра малака сертификати бекор қилинган шахс аудитор малака сертификатини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил мобайнида малака сертификати олиш тўғрисидаги ариза билан такроран мурожаат қилишга ҳақли эмас».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 17 сентябрь
№ ЎРҚ — 110

8

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон
Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари**
**2007 йил**

Қирқиш чизиғи

«аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида эллик бир фоизи мазкур аудиторлик ташкилотининг штатдаги бир ёки бир неча аудиторига тегишли бўлиши керак (аудиторлик ташкилоти — чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шўъба корхонаси тузилган ҳоллар бундан мустасно). Аудитор (аудиторлар) фақат битта аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси, акциядори) бўлиши мумкин;

аудиторлик ташкилотининг штат бирлиги тегишли малакага эга бўлган штатдаги аудиторларнинг энг кам сонига доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак»;

4) **6-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«аудиторлик текшируви билан қамраб олинган даврда хўжалик юритувчи субъектга профессионал хизматлар кўрсатиш, бундан бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш, юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш мустасно;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига аъзо бўлиб кириш»;

4

Буклаш чизиғи

5) **7-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **еттинчи — тўққизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«ўтказилган аудиторлик текширувлари натижаларига доир аудиторлик хулосалари ва аудиторлик ҳисоботларининг нусхалари аудиторлик ташкилотида мавжуд бўлишини ҳамда уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланишини таъминлаши;

аудиторларнинг бир йилда бир марта малака ошириш курсларидан ўтишларини таъминлаши;

аудиторлик ташкилотларини мажбурий рейтинг баҳолаш учун аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси сўровига кўра ахборот тақдим этиши»;

**еттинчи хатбошиси ўнинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

6) **15-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аудиторлик текшируви назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташаббусига кўра аудиторлик ташкилоти ва ушбу органлар ўртасида тузилган шартнома асосида ўтказилади ҳамда унга мазкур шартнома асосида ҳақ тўланади»;

5

## МАМЛАКАТ бўйлаб

### Совғага 14 та “ISUZU”

***Ўтган ҳафта Чинозда кўпчилик ҳавас қилса ва ибрат олса арзийдиган тадбир бўлиб ўтди.***

■ Тошкент вилоятидаги иккита Меҳрибонлик уйи, олтита мактаб-интернат ва олтита махсус мактабга республика бюджетидан ажратилган маблағ эвазига “Самавто” заводидан сотиб олинган “ISUZU” русумли ўн тўртта автобус совға қилинди. Жамоатчилик, турли идора-ташкилотлар вакиллари ҳамда туман фаоллари иштирок этган бу хайрли иш Ижтимоий ҳимоя йили давлат дастури доирасида амалга оширилди.

Бинобарин, эндиликда юқорида тилга олинган муассасаларда тарбияланаётган ва таҳсил кўраётган ёшлар ҳамда устозлар турли тадбир ҳамда спорт мусобақаларига боришда ўзларининг беминнат транспорт воситалари хизматидан фойдаланадилар.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

### Ногиронларга ғамхўрлик

***Жиззах вилоятида ногиронлар учун касаначилик асосида иш ўринлари ташкил этиш мақсадида уюштирилган дастлабки семинардан сўнг 49 нафар ногирон ишга жойлашганди.***

■ Ногиронлар жамиятида тадбиркорларни турли йўналишлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилгач эса ишлилар сони янада ошди.

Вилоят ногиронлар жамияти раиси Абдулла Қаршибоевнинг таъкидлашича, Ижтимоий ҳимоя йилининг ўтган даврида ногиронларга 100 га яқин ногиронлик аравачалари, 11 та велоколяска берилган. 16 ногиронга эса жарроҳлик йўли билан кўз гавҳари бепул қўйилди. Имтиёзли тарзда 3 миллион сўмлик тиш протезлари ясаттирилди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «Техника ижодиёти» намойиши

***Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасининг «Нефтчилар саройи» ҳовлисида «Техника ижодиёти» фестивали ташкил этилди.***

■ Бу ерда нафақат корхонада меҳнат қилаётган рационализатор ва ихтирочилар, балки ҳунармандлар, мискарлар, чилангарлар томонидан яратилган буюмлар, асбоб-ускуналар, ихтиролар, янгиликлар намойиш қилинмоқда.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ҳилолнинг «Чемпион»и

***Қарши туманидаги Ҳилол қишлоғида болалар спорти мажмуи ишга тушди. Унга яхши ният билан «Чемпион» деган ном берилди.***

■ Мажмуада қурилиш ва ободончилик ишларини амалга ошириш учун «Ўктамбанк» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки маблағ ажратди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ёрдамида барча зарур спорт жиҳозлари ўрнатилди.

— Спорт мажмуининг очилиш маросими чинакам байрамга айланиб кетди, — дейди қишлоқ оқсоқолларидан бири Мирзааҳмад Дўстов. — Ёшларнинг спортга қизиқиши зўр. Айниқса, полвонларимиз кўп. Энди уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳамма шароит бор. Яқин орада қишлоғимиздан мамлакат, дунё чемпионлари етишиб чиқса, ажабмас.

Шу куни спорт мажмуида катта кураш мусобақаси бўлди. Унда вилоятнинг номдор полвонлари билан бир қаторда, қишлоқ ёшлари ҳам иштирок этишди.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Шаҳрихон цементи

***Шаҳрихондаги «Ривож» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳиби Комилжон Отахонов ташкил этган «Ривож — Тяньжин» ва «Ривож-Тяньбао» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхоналарида 400 дан ортиқ киши ишламоқда.***

■ Яқинда у Жанубий кореялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда цемент маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи заводга ҳам асос солди. Низом жамғармаси 110 миллион АҚШ долларилик ушбу корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, йилига бир миллион тонна цемент тайёрланади ва яна 500 га яқин янги иш ўрни яратилади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

дан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилади. Округ сайлов комиссиялари 14 октябргача, участка сайлов комиссиялари эса 13 ноябргача тузилади.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига биноан сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин. Қонунда белгиланганидек, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун камида уч юз нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Президентликка номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари йиғилиши томонидан амалга оширилади. Қонуннинг юқорида қайд этилган моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганида бошланади ва 45 кун қолганида тугайди. Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан, яъни 18 ноябрдан бошланади.

Бунда, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларига сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Бундан ташқари, Қонуннинг ушбу моддасида кўрсатилганидек, Президентликка номзодларга сайловчилар билан йиғилишлар ҳамда улар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга олдиндан хабар қилинади.

Матбуот анжумани қатнашчиларига “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, Президентликка номзодларни кўрсатиш бўйича йиғилишларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Президентликка ўз номзодини кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга эканлиги маълум қилинди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси кузатувчиларни рўйхатга олишни таъминлайди ва уларнинг фаолияти учун зарур шароит яратади.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига эркин, адолатли ва демократик сайловнинг қонун доирасида, очиқ, ошкора ва холисона ўтказилишини, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини амалга оширишлари учун барча зарур шарт-шароит яратилишини таъминлайди. Сайлов комиссиялари Президент сайловига пухта тайёргарлик кўриш ва уни очиқ ҳамда ошкора ўтказилишини амалга оширади.

Матбуот конференциясида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

**(ЎзА).**

# ИЗЧИЛЛИК ВА ҚАТЪИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Албатта, дипломатик кадрлар танқислиги яққол сезиларди. Зеро, шўро даврида юртимизда дипломатия тушунчаси кўпчилик учун нотаниш эди. “Болам дипломат бўлади”, деган ота-онани учратиш қийин эди. Дипломатликни биров ҳатто, орзу ҳам қила олмасди. Шунинг учун ҳам жуда қисқа вақт ичида “дипломатик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими яратилди”. Президентимиз Фармони билан 1992 йили Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилди. Ҳозир ушбу таълим даргоҳининг ҳузурида дипломатик академик лицей, гимназия ва кўплаб бошқа марказ ва тузилмалар фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, кўплаб олий ўқув юртларида халқаро муносабатлар кафедралари очилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Сиёсий тадқиқотлар маркази фаолият кўрсатмоқда.

Хуллас, бугун Ўзбекистоннинг ўз дипломатия мактаби бор, дейиш учун барча асослар етарли. Ёшларда дипломатликка қизиқиш шаклланиб, иштиёқ кучайди ва энг муҳими, ўз орзусига етишиш имкониятлари пайдо бўлди. Бугун дунёнинг кўплаб давлатларида — Ўзбекистоннинг элчихоналарида, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясининг ваколатхоналарида юзлаб малакали кадрларимиз фаолият кўрсатмоқда. Хорижда мамлакатимизнинг 48 дипломатик ваколатхонаси бор.

Бу хусусда гап кетар экан, дипломатик сервис хизмати ҳам Ўзбекистон учун мутлақ янги институт бўлганини таъкидлаш жоиз.

Мустақилликка қадар Ўзбекистонда бирорта ҳам хорижий давлат элчихонаси йўқ эди. Биз хорижлик элчилардан Соҳибқирон бобомизнинг ҳузурига Испания қиролидан вакил бўлиб келган Клавихони билар эдик, холос... Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 86 элчихона ва савдо ваколатхонаси аккредитация қилинган.

Бугун дипломатларимиз Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига оид вазифаларни муваффақият билан бажармоқда. Бу борадаги энг сўнгги йирик натижалардан бири Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш ташаббусининг амалда ўз ифодасини топганидир. 2006 йил 8 сентябрда Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари шу ҳақдаги шартномага имзо чекдилар. Албатта, бундай стратегик келишувлар давлат раҳбарларининг учрашувларида кўриб чиқилади, лекин келишувнинг амалий жиҳатларини дипломатлар бажаради.

Гап ўз-ўзидан халқаро журналистика соҳасига келиб тақалмоқда. Мустақилликка эришганимиздан кейин қатор мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда мухбирлик пунктларини очди. Олис-олис мамлакатлардаги одамлар тезкор янгилик ва ахборотлар орқали юртимизда ўтаётган йирик тадбирлардан, улкан ўзгаришлардан воқиф бўлмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ўзида миллий журналистика туб ўзгаришларни бошдан кечирди. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида халқаро журналистлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бугунги ўзбек журналистлари замонавий ахборот технологияларидан эркин фойдаланган ҳолда хориждан туриб, ёзма ва мультимедиа янгиликларини тезкорлик билан узатади. Ўзбекистон матбуоти ва телерадиоси бугун халқимизни дунёда юз бераётган энг сўнгги воқеалардан, долзарб янгиликлардан хабардор этмоқда. Илгари саноқлигина бўлган шарҳловчи, таҳлилчи ва сиёсатшуносларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Қисқаси, халқаро журналистика ҳам тўла шаклланди.

Мамлакатимизнинг қулай геосиёсий ўрни, унинг биринчи навбатда, ўз миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда олиб бораётган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, мустақил ва изчил ташқи сиёсати давлатимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши, унинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб боришини таъминлади.

Ҳа, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг нуфузи тобора ортмоқда. Бунда давлатимизнинг мустақил, оқил ва одил ташқи сиёсати, БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар ишида фаол қатнашаётгани муҳим ўрин тутади. Айни пайтда юртимиздаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, барча соҳаларда юз бераётган туб янгиланишлар, улкан бунёдкорлик ишлари ҳам хорижда Ўзбекистонга қизиқиш ва эътиборни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон сиёсатининг ўзига хослиги ундаги изчиллик ва қатъиятдир. Давлатимиз ўзга давлатга ёки давлатлар гуруҳига қарши қаратилган блокларга қўшилмайди. Қатъият борасида эса, Президентимиз Ислом Каримовнинг бир неча йиллар аввал айтган гапини эслаш кифоя: “Ўзбекистон шамол ё оқим билан силжиб юрадиган айсберг эмас.” Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари юритаётган ташқи сиёсат замирида ҳамиша бир мақсад мужассам — Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати. Буни Президентимиз ўз маърузасида яна бир бор алоҳида таъкидлади: “Бизнинг бу соҳадаги барча қадам ва ҳаракатларимиз фақат ана шу эзгу мақсадни амалга оширишга қаратилган”.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**




# ТОЛА СИФАТИ ЮКСАК БАҲОЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, бозор қоидасига кўра, сифатли, синалган молнинг харидори кўп бўлиб, савдо қизиган пайтда нарх-наво унчалик роль ўйнамаслиги ҳам мумкин. Чунки бу каби йирик бозор улкан минтақада йилда бир бор ўтказилишидан яхши хабардор бўлган харидор вазиятни тўғри баҳолай олади. Қадимдан қолган нақлга кўра, “Бозордан мол ололмаган йил бўйи қозонига сув солиб қайнатади”.

Ярмарка иштирокчиларидан бири, Хитойнинг Шань Дун провинциясидаги “Meng Yin“ пахта компанияси вакили Ши Ли Жун анжуман хусусидаги фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этди:

— Пахта экспорти ва импорти компаниямизнинг асосий фаолият турларидан ҳисобланади. Саноатчилар яхши билишадики, ўзбек пахтасидан олинган толалар жаҳон бозорида жуда қадрланади. Яширмайман, биз уни илгари “учинчи қўл”дан сотиб олган пайтларимиз ҳам бўлган. Тошкентда ўтказилаётган III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бизни, тўғриси, ортиқча сарф-харажатлардан халос қилади. Компаниямизнинг нияти битта: у ҳам бўлса, ярмарка давомида кўплаб самарали битимлар тузиш, айни чоғда мамлакатингизда етиштирилаётган пахтанинг барча хусусиятлари билан янада яқиндан танишиш, энг муҳими, ўзбек пахтасини тўғридан-тўғри, яъни унинг ҳақиқий эгасидан харид қилишдир. Яна шуни таъкидлашни истардимки, ярмарка давомида ўзбек миллий халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилгани ва унда намойиш қилинаётган экспонатлар бизда чуқур таассурот қолдирди.

Пахта терминаллари фаолияти акс эттган стендни томоша қилаётган эронлик саноатчи, “Лиан Аса” халқаро корпорацияси раҳбари Ф. Малек Марзбан эса пахта ярмаркаси хусусида шундай фикр билдирди:

— Мамлакатингиз пойтахтида 2005 — 2006 йилларда бўлиб ўтган пахта ярмаркаларида иштирок этмаганимдан афсусдаман. Шукрким, шундай анжуманнинг учинчисида қатнашиш менга насиб этди. Ташкилотчилар томонидан катта ишлар қилингани яққол кўзга ташланиб турибди. Иштирокчилар орасида эса дунёнинг йирик тўқимачилик компаниялари вакиллари ва трейдерлари борлиги унинг нуфузидан дарак беради. Тўғрисини айтганда, Тошкент пахта ярмаркасига қўйилган ўзбек пахта толасининг сифати ва нарх-навоси бизни тўлиқ қаноатлантиради. Яна бир муҳим жиҳати шуки, уни ташишда ортиқча сарф-харажатларга ўрин қолмайди.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: учинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасидан лавҳалар.**

**Темур ҚУРБОНБОЕВ**
**олган суратлар.**

### Сервис ва туризм ривожи йўлида

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида “Сервис ва туризм: бошқариш ва ривожлантириш муаммолари” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда республикамиз ва чет эл олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, бир қатор туристик фирмаларнинг вакиллари иштирок этдилар.*

Конференцияда қатнашиш истагини билдирган Исроил, Украина, Қозоғистон, Германия, Россия, Озарбойжон, Қирғизистон ва Австрия мамлакатлари университетлари профессорлари 200 дан ортиқ илмий мақолалар юборишган эди. Таҳрир гуруҳи томонидан улар атрофлича ўрганилиб, энг муносиблари анжуман материаллари тўпламига киритилди.

Икки кунлик анжуманда хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳасидаги долзарб масалалар муҳокама қилиниб, илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Д. АСЛОНОВА,**
**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий ишлар бўйича проректори.**

---

7) **16-модда**:

**«в» кичик бандидаги** «ушбу Қонуннинг 17-моддасида» деган сўзлар «ушбу Қонун 17-моддаси биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини кетма-кет уч йилдан ортиқ аудиторлик текширувидан ўтказишга ҳақли эмас»;

8) **21-модданинг иккинчи қисми**:

**учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига аудиторлик ташкилоти томонидан риоя этилишини назорат қилади ҳамда уч йилда камида бир марта мазкур масалалар юзасидан текширув ўтказади»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«аудиторлик ташкилоти раҳбарини уч йилда бир марта аттестациядан ўтказади»;

**еттинчи – тўққизинчи хатбошилари**

6

Буклаш чизиғи

Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5–6, 149-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **2¹-модда** билан тўлдирилсин:

**«2¹-модда. Аудиторлик фаолиятининг асосий принциплари**

Аудиторлик фаолияти мустақиллик, холислик, эркинлик, профессионал малакалилик ва махфийлик принциплари асосида амалга оширилади»;

2) **3-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аудитор меҳнат шартномаси бўйича ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича фақат битта аудиторлик ташкилоти билан ишлаши мумкин»;

3) **5-модда бешинчи қисмининг иккинчи** ва **учинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

**«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 29 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 24 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»**ги 734–XII-сонли Қонунига (2000 йил 26 майда қабул қилинган 78–II-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон

2

Буклаш чизиғи

тегишинча **саккизинчи — ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

9) **25-модда**:

**иккинчи қисми** «ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Аудиторлик ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тугатишга сабаб бўлган қоидабузарликларга йўл қўйган аудиторлик ташкилоти раҳбарининг, шунингдек аудиторнинг малака сертификати амал қилиши лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади»;

**учинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи — бешинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган асосларга кўра малака сертификатининг амал қилиши тугатилган шахс аудитор малака сертификати амал қилишини тугатиш

7

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

**илмий-тадқиқот муассасалари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва марказлари, минтақавий бўлимлари ҳузуридаги аспирантура ҳамда докторантураларга 2008 йил учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича**

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

### МАТЕМАТИКА ВА ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** математик анализ; дифференциал тенгламалар; эҳтимоллар назарияси ва математик статистика; математик логика, алгебра ва сонлар назарияси; тизимли таҳлил, бошқарув ва маълумотларни қайта ишлаш; математик моделлаштиришнинг назарий асослари, сонли усуллар ва дастурлар мажмуалари мутахассисликларига.

**Докторантурага:** тизимли таҳлил, бошқарув ва маълумотларни қайта ишлаш мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 29-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 162-73-57.*

### ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** назарий физика; атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси мутахассисликларига.

**Докторантурага:** назарий физика мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек қўрғони.*
*Қабул комиссияси телефони: 150-30-70.*

### АКАДЕМИК СОДИҚ АЗИМОВ НОМИДАГИ "ФИЗИКА-ҚУЁШ" ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси; қайта тикланадиган энергия турларини ўзгартириш ва улар асосидаги қурилмалар мутахассисликларига.

**Докторантурага:** ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Юнусобод тумани, Ғ.Мавлонов кўчаси, 2-«Б» уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 133-12-71.*

### АКАДЕМИК УБАЙ ОРИФОВ НОМИДАГИ ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** физикавий электроника мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 33-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 162-79-40.*

### МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** астрофизика ва радиоастрономия мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Юнусобод тумани, Астрономия кўчаси, 33-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 135-06-38.*

### ИССИҚЛИК ФИЗИКАСИ БЎЛИМИ

**Аспирантурага:** қаттиқ жисм физикаси; иссиқлик физикаси ва молекуляр физика; лазер физикаси; ночизиқли динамика ва хаос мутахассисликларига.

**Докторантурага:** иссиқлик физикаси ва молекуляр физика мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 29-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 276-90-49.*

### "АКАДЕМАСБОБ" ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

**Аспирантурага:** физикавий электроника; оптика мутахассисликларига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Мирзо Улуғбек тумани, Академиклар шаҳарчаси.*
*Қабул комиссияси телефони: 162-72-73.*

### АКАДЕМИК МУҲАММАД ЎРОЗБОЕВ НОМИДАГИ МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАРНИНГ СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** механизмлар ва машиналар назарияси; қурилиш механикаси мутахассисликларига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Мирзо Улуғбек тумани, Академиклар шаҳарчаси.*
*Қабул комиссияси телефони: 162-71-32.*

### ЭНЕРГЕТИКА ВА АВТОМАТИКА ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** энергетика тизимлари ва мажмуалари мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Мирзо Улуғбек тумани, Академиклар шаҳарчаси.*
*Қабул комиссияси телефони: 162-05-22.*

### АКАДЕМИК СОБИР ЮНУСОВ НОМИДАГИ ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** органик кимё; биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси; фармакология мутахассисликларига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 77-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 162-59-13.*

### ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** полимерлар физикаси; юқори молекуляр бирикмалар кимёси; ёғочни кимёвий қайта ишлаш технологияси ва ускуналари, ёғоч кимёси мутахассисликларига.

**Докторантурага:** юқори молекуляр бирикмалар кимёси мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7-«Б» уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 142-85-49.*

### АКАДЕМИК ОБИД СОДИҚОВ НОМИДАГИ БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси мутахассислигига.

**Докторантурага:** биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 83-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 162-70-62.*

### УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** коллоид ва мембрана кимёси; нефть кимёси; анорганик моддалар технологияси; силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси мутахассисликларига.

**Докторантурага:** анорганик моддалар технологияси мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Мирзо Улуғбек тумани. Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 77-«А» уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 162-56-60.*

### АКАДЕМИК ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** умумий ва минтақавий геология; геофизика мутахассисликларига.

*Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,*
*Н.Ҳожибоев кўчаси, 49-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 162-65-16.*

### МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** микробиология; биотехнология мутахассисликларига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7-«Б» уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 144-25-19.*

### «БОТАНИКА» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

**Аспирантурага:** ботаника мутахассислигига.

**Докторантурага:** ботаника мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Юнусобод тумани, Ж.Обидова кўчаси, 232-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 162-70-65.*

### БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** биокимё мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 56-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 162-24-41.*

### ФИЗИОЛОГИЯ ВА БИОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** биофизика; одам ва ҳайвонлар физиологияси мутахассисликларига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Собир Раҳимов тумани, А.Ниёзов кўчаси, 1-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 246-95-17.*

### ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** зоология мутахассислигига.

**Докторантурага:** зоология мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Собир Раҳимов тумани, А.Ниёзов кўчаси, 1-уй.*
*Қабул комиссияси телефонлари: 246-07-18, 246-09-00.*

### ИММУНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** аллергология ва иммунология мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри, Яҳё Ғуломов кўчаси, 74-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 133-08-55.*

### ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** ўсимликлар физиологияси; генетика; молекуляр генетика мутахассисликларига.

**Докторантурага:** генетика мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент вилояти,*
*Қибрай тумани, Юқориюз қишлоғи.*
*Қабул комиссияси телефони: 64-23-90.*

### СУВ МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** гидравлика ва муҳандислик гидрологияси; қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари ва гидрокимё мутахассисликларига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Мирзо Улуғбек тумани, Н.Ҳожибоев кўчаси, 49-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 169-12-70.*

### АКАДЕМИК ҒАНИ МАВЛОНОВ НОМИДАГИ СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** геофизика мутахассислигига.

**Докторантурага:** геофизика мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй.*
*Қабул комиссияси телефонлари: 135-75-34, 135-75-12.*

### ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** иқтисодий назария; макроиқтисодиёт; индустриал тармоқлар иқтисодиёти; аҳолишунослик ва меҳнат иқтисоди мутахассисликларига.

**Докторантурага:** макроиқтисодиёт мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Ҳамза тумани, Боровский кўчаси, 5-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 133-14-78.*

### АКАДЕМИК ИБРОҲИМ МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** фалсафа тарихи; ижтимоий фалсафа; фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик жараёни, халқаро хусусий ҳуқуқ; жиноят ва жазо ҳуқуқи, криминология, ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи мутахассисликларига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Мирзо Улуғбек тумани, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 162-38-87.*

### ТАРИХ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Ўзбекистон тарихи; этнология (этнография); тарихнавислик, манбаашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари мутахассисликларига.

**Докторантурага:** Ўзбекистон тарихи мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Мирзо Улуғбек тумани, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 162-38-73.*

### АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** ўзбек адабиёти; ўзбек адабиёти тарихи; адабиёт назарияси; фольклоршунослик; ўзбек тили мутахассисликларига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Мирзо Улуғбек тумани, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.*
*Қабул комиссияси телефонлари: 162-42-64, 162-43-67.*

### БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** умумий тарих; тарихнавислик, манбаашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари мутахассисликларига.

**Докторантурага:** умумий тарих мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 81-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 162-54-61.*

### АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

**Аспирантурага:** адабий манбаашунослик ва матншунослик мутахассислигига.

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 69-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 142-02-75.*

### *САМАРҚАНД БЎЛИМИ БЎЙИЧА:*

### МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАР КОМПЛЕКСИ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** математик физика; суюқлик, газ ва плазмалар механикаси; ботаника; макроиқтисодиёт мутахассисликларига.

*Манзил: Самарқанд шаҳри,*
*Темур Малик кўчаси, 3-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 8-3662-33-19-94.*

### АКАДЕМИК ЯҲЁ ҒУЛОМОВ НОМИДАГИ АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** археология мутахассислигига.

*Манзил: Самарқанд шаҳри,*
*В.Абдуллаев кўчаси, 3-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 8-3662-32-15-13.*

### *ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ БЎЙИЧА:*

### ТАБИИЙ ФАНЛАР КОМПЛЕКСИ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** органик кимё; биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси мутахассисликларига.

*Манзил: Нукус шаҳри,*
*Бердах шоҳкўчаси, 41-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 8-361-222-10-76.*

### БИОЭКОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** ботаника; микробиология; экология мутахассисликларига.

*Манзил: Нукус шаҳри, Бердах шоҳкўчаси, 41-уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 8-361-222-10-76.*

### НАЖИМ ДАВКАРАЕВ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** қорақалпоқ адабиёти; фольклоршунослик; қорақалпоқ тили мутахассисликларига.

*Манзил: Нукус шаҳри,*
*Тўрткўл шоҳкўчаси, 179-«А» уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 8-361-222-10-76.*

### ТАРИХ, АРХЕОЛОГИЯ ВА ЭТНОГРАФИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Ўзбекистон тарихи; археология мутахассисликларига.

*Манзил: Нукус шаҳри,*
*Тўрткўл шоҳкўчаси, 179-«А» уй.*
*Қабул комиссияси телефони: 8-361-222-10-76.*

### *ХОРАЗМ БЎЛИМИ БЎЙИЧА:*

### ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

**Аспирантурага:** биокимё; ўсимликлар физиологияси мутахассисликларига.

*Манзил: Хива шаҳри, Марказ-1.*
*Қабул комиссияси телефони: 8-362-375-71-00.*

## ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ

**Аспирантура ва докторантураларга иқтидорли ёшларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати қарорига биноан белгиланган ўринларга қараб амалга оширилади.**

***ҲУЖЖАТЛАР 20 СЕНТЯБРДАН 15 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.***

***Кириш имтиҳонлари 16 октябрдан 10 ноябргача танлов асосида ўтказилади.***

**Аспирантурага кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:**

- *Ўзбекистон тарихи;*
- *фалсафа;*
- *чет тили (инглиз, немис, француз ёки бошқа тиллардан бири);*
- *мутахассислик.*

Мутахассислик бўйича кириш имтиҳони бошқа фанлар имтиҳонларидан олдин топширилади.

Докторантурага кирувчи номзодлар суҳбатдан ўтадилар ва илмий-тадқиқот муассасаси кенгашининг қарорига биноан ўқишга қабул қилинадилар.

***АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА КИРАЁТГАН ШАХСЛАР АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАСИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ИЛОВА ҚИЛГАН ҲОЛДА АРИЗА БЕРАДИЛАР:***

**Аспирантурага кираётган шахслар учун:**

- *шахсий варақа ва таржимаи ҳол;*
- *иш жойидан тавсифнома (бошқа ташкилотлардан юбориладиган шахслар учун);*
- *чоп этилган илмий ишлари ва ихтиролари рўйхати ҳамда уларнинг нусхалари, илмий-тадқиқот тўғрисидаги ҳисоботлар рўйхати (агар мавжуд бўлса).*

Илмий ишлари эълон қилинмаган ва ихтиролари бўлмаган шахслар танлаган ихтисослиги бўйича 20 бетдан кам бўлмаган илмий маъруза (реферат) тақдим этадилар. Илмий маърузага соҳа бўйича мутахассис-олим тақризи илова қилиниши лозим.

- *аспирантурага бевосита олий таълим муассасасини тугатгандан кейин ҳужжат топшираётган шахслар (магистратура талабалари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиатлари, имтиёзли диплом эгалари, олий таълим муассасаси илмий кенгаши тавсияси мавжуд даъвогарлар) учун олий таълим муассасаси илмий кенгаши мажлисининг баёнидан кўчирма;*
- *олий таълимнинг барча босқичларини ўтганлигини тасдиқловчи диплом нусхаси;*
- *номзодлик имтиҳонларини топширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (агар топширган бўлса);*
- *меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётганлар учун);*
- *тиббий маълумотнома (086 шакл);*
- *4х6 см. ўлчамдаги 4 дона фотосурат.*

**Докторантурага кираётган шахслар учун:**

- *шахсий варақа ва таржимаи ҳол;*
- *олий маълумот, фан номзоди дипломлари ва доцент (катта илмий ходим) аттестатлари нусхаси (агар мавжуд бўлса);*
- *тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режа-лойиҳаси;*
- *чоп этилган илмий ишлари ва ихтиролари рўйхати ҳамда уларнинг нусхалари, илмий-тадқиқот тўғрисидаги ҳисоботлар рўйхати (агар мавжуд бўлса);*
- *иш жойидан тавсифнома (бошқа ташкилотлардан юбориладиган шахслар учун);*
- *меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;*
- *тиббий маълумотнома (086 шакл);*
- *4х6 см. ўлчамдаги 4 дона фотосурат.*

Паспорт ва ҳарбий билет (агар мавжуд бўлса) шахсан кўрсатилади.

Бошқа шаҳарлардан келган мутахассислар ётоқхона билан таъминланадилар.

Номзодлик имтиҳонларини қисман ёки тўлиқ (мутахассисликдан ташқари) «яхши» ёки «аъло» баҳоларга топширган шахслар 5 (беш) йил давомида аспирантурага киришда тегишли кириш имтиҳонларини топширишдан озод этиладилар.

Номзодлик имтиҳонларини тўлиқ (мутахассисликдан ташқари) топширган шахслар мутахассислик бўйича кириш имтиҳонларини «аъло» ёки «яхши» баҳоларга топширсалар, аспирантурага танловсиз қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиатлари магистратурани тугатганларидан сўнг 2 (икки) йил, Давлат стипендиялари совриндорлари эса 1 (бир) йил давомида аспирантурага кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар. Агар мутахассислиги тўғри келмаса, фақат мутахассислик фанидан кириш имтиҳони топширадилар.

Докторантурага докторлик диссертациясига асос бўла оладиган салмоқли илмий ютуқларга эришган, фундаментал тадқиқотларни юксак савияда олиб бориш ва муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммоларни ҳал қилишга қобилиятли, фан номзоди илмий даражасига эга бўлган илмий ва илмий-педагогик ходимлар қабул қилинади.

Идоралараро мақсадли аспирантура ва докторантурага юбориладиган шахслар йўлловчи ва қабул қилувчи томонлар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ қабул қилинадилар.

Хорижий давлатлар фуқароларини аспирантура ва докторантурага қабул қилиш шартнома асосида амалга оширилади.

**_Китоб нега ўқилади? Илм олиш истагида. Илм олишнинг нима зарурати бор? Инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини англаб етиш учун. Инсон мавжудлигининг асл моҳиятини очиш калити борми? Бор. Бу — китоб ўқимоқлик ва уқмоқликдир. Демак, гап яна айланиб китоб ва китобхонлик мавзусига бориб тақалмоқда._**

**_— Китоб, умуман, газета, журнал ўқиш тўғрисида менинг ўз хулосам бор, — дейди олий тоифали ўқитувчи Йўлдош Жуманазаров. — Балки бу бир оз мунозаралидир. Фикримча, китоб ўқувчиларни тўрт тоифага бўлиш мумкин: китобсеварлар ва китобпарастлар, китобхўрлар ва китобхонлар._**

# КИТОБ МЎЪЖИЗАСИ

Шундай одамлар борки, ўзлари севган соҳани миридан-сиригача пухта биладилар ва албатта, уларнинг уй кутубхоналарида шу соҳага оид, ўзлари ўқиб чиққан, таҳлил қилган, баъзи ўринларда танқидий ёндашган китоблари бўлади. Эҳтимол, бундай хонаки кутубхонанинг салмоғи унчалар ҳам кўзга ташланмас, аммо шу кутубхонани йиққан одамнинг ўзига хос қарашлари ва фикрларидан лол қолишингиз, шубҳасиз. Бундай инсонлар китобсеварлардир.

Яна шундай китобхонлар тоифаси борки, улар йиққан, харид қилган китобларни кўриб ҳавасингиз келади. Бежирим китоб жавонидаги бебаҳо бойликни кўриб, кўзингиз қамашади. Лекин бу китоб тахламларини "бузиш" хона ҳашаматига рахна соладигандек, ҳеч қачон қўлга олинмаслиги ғалати. Бундай инсонларни беозоргина қилиб китобпарастлар, дейиш мумкин.

Китоб ўқувчиларнинг учинчи тоифаси бу — китобхўрлар; улар қўлига нима тушса, ўқий берадиган, ўқиётган нарсасининг ўзи учун керак ёки нокераклиги, энг асосийси, ундан нима уқаётганлигини англамайдиганлар. Улар учун бу жараён гўё "эрмакка" ўхшаб кетади. Шу боис ҳам бундай китобхонлар билан суҳбатлашсангиз, сўраган китобингизнинг ҳаммаси билан таниш бўлиб чиқади. Лекин шу китоблар ҳақида ўз фикри йўқ. Яна энг қизиғи, улар янгидан-янги китобларни ўқийверади. Бир нарсани кузатганман, бундай китобхўрларнинг уйида кутубхоналари деярли бўлмайди.

Китобхонларнинг охирги тоифаси билан ўйлаб гаплашмасангиз, кулгига қоласиз. Улар китобни жон-дилидан севувчи, ўқиган ва уққан одамлар. Улар олдида "аравани енгил олиб қочсангиз", юзингизга хатоингизни кўрсатмаслиги мумкин. Лекин сизга ўқиб уқмаганлигингиз учун ачинганини секин билдириб қўяди. Бундай китобхонлар билан суҳбат қилганда дил роҳатланади.



Йўлдош Жуманазаровнинг китоб ва китобхонлик ҳақидаги мулоҳазалари яқинда Шаҳрисабзга хизмат сафарига кетаётганимда, автоуловда ҳамроҳ бўлган икки йўловчининг ўзаро суҳбатини эсимга солди.

— Кенжа ўғлим китоб жинниси чиқиб қолди, баччағар! Берган пулимга китоб ташийди. Икки акаси тадбиркорликнинг бошини тутиб кам бўлмади. Уй-жойи, машинаси, дала-ҳовлиси — ҳамма нарсаси бор, — деди олд ўриндиқда ўтирган ўрта яшарлардаги йўловчи.

Табиийки, унинг бу "мақтанчоқлиги" ҳеч кимга ёқмади — ҳамма жим. Ҳамроҳларнинг беларволиги унинг ҳамиятига тегди шекилли, энди орқага ярим ўгирилиб, бизга гапини маъқуллатишга тушди:

— Китоб ўқиб ким ўзи дуруст одам бўлган? Икки катта ўғлим мана бу кенжамдайлик пайтида уйимиз ёнидаги вокзалда сув сотиб, пул ишларди. Мана, натижаси — бугун унча-мунчаси уларнинг олдига тушиб бўпти!

Менинг ёнимда ўтирган отахон чидаб туролмади, шекилли, ахийри "портлади":

— Шу китобни яхши кўрадиган кичкина ўғлингизнинг умрини узоқ қилсин, ука. Гапнинг бўларини айтиб, шаҳарнинг олди бойваччаларидан бириман, деб қўя қолмайсизми?! Баҳона излаб, китобга меҳр қўйган бир болани айблаб, нима қиласиз?!

Мен эллик йил ўқитувчиликнинг нони билан болаларимни боққанман. Қандай замонларни кўрмадик. Лекин бугун дунё ҳам, одамлар ҳам — ҳамма нарса ўзгарди. Бугун бойваччалик билан, кўп пул топиш билан мақтаниш — бориб турган омилик. Юрт озод бўлиб, шундай замон келдики, пул топиш, тадбиркорлик билан ном чиқариш бу — кундалик ҳаётимиз. Мен бир йигитни сизга мисол келтирай. Отаси қора меҳнатдан боши чиқмай, колхозни, совхозни бой қиламан деб қорни нонга тўймай, рўшнолик кўрмай кетди. Ўғил бугун Оксфордда ўқияпти. Ўша болани мен ўқитганман. Қўй боққани чиққандаям бир даста китоб кўтариб, даштга кетарди. Китобга бўлган меҳр уни авлод-аждоди қадами етмаган жой — Оксфордга етказди. Китоб туфайли Оксфордга борганнинг нафи эртага шу юрт, шу одамларга тегади. Одамнинг одамлиги эса Ватанга, халққа хизмат қилиш билан ўлчанади. Асло бойлиги билан эмас. Ният қилингки, кенжангиз шу йўлдан юрсин...

Китобни, китобсеварликни тан олмаган бойвачча отахоннинг аччиқ, лекин ҳаққоний гапларидан мулзам тортди дея олмайман. Лекин жанжал чиқармади, енгилганини сездирмаслик учун жим бўла қолди.

— Китобдан йироқлашаётганимиз бор гап, — дейди рассом Азамат Сатторов. — Лекин бунга ўткинчи жараён сифатида қараш керак, деб ўйлайман. Агар тарихни кузатсангиз, ҳар бир Ренессанс, яъни Уйғониш даври содир бўлишидан олдин мана шундай шахс руҳиятида кечадиган ўз-ўзига маънавий тазйиқ жараёни кучайган. Ва алал-оқибат, бу шуурий кучланиш

▼ Мулоҳаза

инсон қалбида янги уйғониш фаслини бошлаб берган. Китоб ва китобхонлик ҳақида гап кетганда, Юртбошимизнинг "Fidokor" газетаси мухбири саволларига берган жавобларидаги бир иқтибосни келтириб ўтиш жоиз деб ўйлайман: "Аксарият зиёлилар, хусусан ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳли ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш, наҳотки, мумкин бўлмаса?"

Чиндан ҳам, бир пайтлар бу муаллифларнинг китоблари тугул ўзлари ҳақида гапириш "сиёсий душманлик" даражасидаги ҳодиса эди. Лекин биз тараққиётнинг шундай бир палласида яшамоқдамизки, озод Ватанни озод одамлар қуради ва камолга етказади. Инсон шахс сифатида озод бўлиши эса беистисно унинг ўқиганлиги, зиёлилиги даражаси билан боғлиқ.

Бу мулоҳазалар замондошларимизнинг ўйлари. Зеро, биз шиддатли фан-техника тараққиётининг бешафқат бўронларида тобланиб, гоҳ унинг аччиқ аламларини тотиб, гоҳ улкан ютуқларнинг қувончидан дунёга сиғмай, лекин нима бўлганда ҳам маърифатга интилиб яшаётган халқмиз. Ана шу талатўпда ўқиб-ўрганмоқлик бизга нима беради? Инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини очувчи калитни тортиқ этади. Бу калитнинг сиру асрорлари нимада? Билим олмоқликда! Билим олиш учун қандай сир-синоатни эгалламоғимиз керак? Китоб мўъжизасини. Ўқиб-уқмоқлик тилсимотини. Чунки, китоб инсон мавжудлиги занжирининг узилмас ҳалқасидир. Бу ҳалқа узилса, комил инсонлик тушунчасига путур етади, шу боис ҳам китобга ташналик ўзликни англамоқ саодатининг ўзгинасидир.

**Темирпўлат ТИЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**


*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!*

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

**2008 йилда қурилиши мўлжалланган касб-ҳунар коллежларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:**

1. **Хатирчи туманининг «Олтинсой» ш/хда иқтисодиёт йўналиши бўйича 360/100 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан).**
2. **Навбаҳор туманининг «Гигант» ф/уда педагогика йўналиши бўйича 360 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан).**
3. **Зарафшон шаҳрида компьютер технологиялари йўналиши бўйича 540 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан).**
4. **Нурота тумани, Ғазғон қўрғонида саноат ва геология йўналиши бўйича 360 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан).**

***Қурилишларни якунлаш муддати*** — 2008 йил 1 август.

***Буюртмачи*** — Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уйда жойлашган Навоий вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Қурилиш ишларини молиялаштириш ажратилган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Навоий вилоятининг Кармана туманидаги Н.Туробов номли 25-сон махсус мактаб-интернати**

**қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:**

**«Кармана туманидаги 25-сон махсус мактаб-интернатнинг устахона ва ошхона биноларини капитал реконструкция қилиш».**

***Қурилишни якунлаш муддати*** — 3 ой.

***Буюртмачи*** — Кармана туманидаги Н.Туробов номли 25-сон махсус мактаб-интернати.

**Манзил:** Кармана тумани, Наврўз кўчаси, 17-уй. Телефон: 532-21-74.

Қурилиш ишларини молиялаштириш ажратилган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уй**да жойлашган Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: (436) 225-53-85, 225-52-38.**

***Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 60 000 сўм.***

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.**
**Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.**

1375R/1695


ФИЛЬМ

***Ҳар йили Италиянинг Милан шаҳрида ўтказиладиган "Спорт — кино ва телевидениеда" мавзусидаги халқаро фестиваль жаҳон миқёсида спортга бўлган эътиборни кучайтириш мақсадида ташкил қилинган нуфузли тадбирлардан биридир.***

## ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ ЙЎЛЛАНМАСИ

Икки йилдирки, ушбу фестивалда юртимиз ҳужжатли киноусталари томонидан яратилган фильмлар ҳам намойиш этилмоқда. Хусусан, "Беллашув", "Мураббий", "Армрестлинг" каби илмий-оммабоп фильмларимиз фестиваль совринларини қўлга киритиш билан бирга, ўзбек спорти шуҳратини жаҳонга ёйди.

— Ўтган йили Милан фестивалига "Беллашув" номли фильмимни тақдим этгандим, — дейди "Ўзбектелефильм" киностудияси режиссёри Қўчқор Каримов. — Фильмим фестивалнинг "Буюк чемпионлар" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Ҳакамлар ҳайъати эътирофича, унда миллий спортимиз — курашнинг мазмун-моҳияти маҳорат билан очиб берилган, қолаверса, спортнинг инсон саломатлигига таъсири ҳаётий мисолларда ифодаланган.

Киночилар уйида мазкур фестивалнинг саралаш босқичи ўтказилди. Унда "Ўзбеккино" Миллий агентлигининг илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси ҳамда "Ўзбектелефильм" ва "Спорт" телерадиоканалларида яратилган 20 дан зиёд ҳужжатли фильм ва телевизион дастурлар намойиш этилди. Фестивалнинг очилиш маросимида ижодкорлар, спорт ихлосмандлари, ёш спортчилар ва талабалар иштирок этишди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ва журналистлардан иборат ҳакамлар ҳайъати фестивалга тақдим этилган фильмларни бир неча номинациялар бўйича баҳолади. Ғолиблар шу йилнинг октябрь ойида Италиянинг Милан шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро фестивалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Самарқандда немис маданияти кунлари

Тадбир

Самарқандда «Немис маданияти кунлари» фестивали бўлиб ўтди. Шаҳарнинг 2750 йиллигига бағишланган бу фестиваль Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва техник ҳамкорлик бўйича Германия маркази ҳомийлигида Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Республика байналминал маданият маркази, Самарқанд вилоят немис миллий-маданий маркази томонидан ташкил этилди.

Уч кун давомида фестиваль қатнашчилари 10-меҳрибонлик уй-мактаби, 11-меҳрибонлик уйи, «SOS» болалар шаҳарчаси, Самарқанд енгил саноат касб-ҳунар коллежи, А.С. Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона маркази, 51-мактаб ҳамда Амалий санъат маркази фаолияти билан танишдилар. Фестиваль доирасида Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд мусиқали драма театрида немис маданияти ва урф-одатларини акс эттирувчи кўргазма намойиши бўлди.

Фестивалда иштирок этган Германия, Россия ва қозоғистонлик меҳмонлар Ўзбекистондаги бағрикенглик ҳамда миллатлараро тотувлик ҳақида ўзларининг дил сўзларини изҳор этдилар.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Янгилик

## МУЗЕЙГА МАРҲАМАТ

*Марғилон шаҳридаги тарих музейи биноси 3-қурилиш-монтаж бошқармаси, «Водийҳамкорфайз» қурилиш хусусий фирмаси қурувчилари томонидан мукаммал таъмирланди. Экспозицияни жиҳозлаш ишларини «Халқаро маданият кўмаклари» МЧЖ ташкилоти амалга оширди.*

Янгитдан жиҳозланган экспозиция 4 та намойиш залидан иборат бўлиб, уларда Марғилон шаҳрининг қадимги ва антик даврдан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган тарихи акс этган. Иккита залдан эса марғилонлик рассомларнинг ижодий ишлари ҳамда ҳунармандлар тайёрлаган маҳсулотлар ўрин олган.

— Кўргазма залларини ноёб экспонатлар билан бойитишда Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги археология институти, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи жамоалари ҳиссаси катта бўлди, — дейди музей директори, шаҳар Кенгаши депутати Ғанижон Алижонов. — Фуқаролар томонидан сопол кўза ва симобдан идишчалар, ҳаммом биноси қолдиқлари ҳамда турли даврларда зарб этилган тангалар музейга совға сифатида топширилди.

Аҳоли шаҳар тарихи билан яқиндан танишиши учун музейга бепул зиёрат ташкил этилган.

**М. МАҲМУДОВ.**


**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

**«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



**Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.**

**Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 $м^3$, 250 $м^3$, 400 $м^3$, 650 $м^3$, 1000 $м^3$, 1600 $м^3$ гача ва ундан ортиқ.**

**Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Россияда ишлаб чиқарилган**

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**

**замонавий электрон газ ўлчагичлари.**



**Ўлчаш диапазонлари:**
- **«АГАТ» G-16 (соатига 0,16 $м^3$ дан 25 $м^3$ гача);**
- **«АГАТ» G-25 (соатига 0,25 $м^3$ дан 40 $м^3$ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 $м^3$ дан 6 $м^3$ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 $м^3$ дан 10 $м^3$ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 $м^3$ дан 16 $м^3$ гача).**

**Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.**

711Н/542

**Российский линолеум**
**Обои виниловые**
Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован
**тел. 134-48-11**
**факс 134-49-58**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ**

**хизмат бинолари ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги воситалар —**

**ёнғин хавфсизлиги учун мўлжалланган енг *(пожарные рукава)*, ўт ўчириш воситалари *(огнетушитель)***

**харид қилиш бўйича тендер эълон қилади.**

***Таклифлар 2007 йил 6 октябрга қадар қабул қилинади.***

**Манзил: Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй. Телефон: 120-76-00, ички телефон: 26-05.**

1372R/1694


«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Дилнура ҚОДИРЖОНОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзэлектртармоқ» УК раҳбарияти «Электртармоққурилиш» ОАЖ бош директори ўринбосари Абдиҳамид Абдираҳмоновга ўғли **АБДУРАШИД**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 24960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5 6